



ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ ҲАМКОРЛИГИДА ЯНГИ УФҚЛАР ОЧГАН ТАРИХИЙ ТАШРИФ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 4-5 апрель кунлари
давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.**

Давлат ташрифининг асосий тадбирлари 5 апрель кuni бўлиб ўтди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Москва шаҳрининг Александр боғидаги «Номаълум аскар» ёдгорлигига гулнамбар қўйди.

Шу йилнинг 3 апрель кuni Санкт-Петербург метросида терроризм ҳаракати содир этилиб, инсонлар ҳалок бўлди. Давлатимиз раҳбари улар хотирасини ёдга олиб, шу ердаги «Ленинград — қаҳрамон шаҳар» ёдгорлиги пойига гул қўйди.

Кремлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон ва Россия давлат махфиялари янгради. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Президентларнинг тор доирадаги учрашувида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Сийёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболли ҳусусида фикр алмашилди.

Владимир Путин Шавкат Мирзиёевни Москвага давлат ташрифи билан қутлаб, ушбу ташриф томонларни қизиқтирган масалаларни муҳокама этиш учун қулай имконият эканини қайд этди.

Ўзбекистон билан ҳамкорликни янги босқичда давом эттириш биз учун катта аҳамиятга эга, — деди Россия Президентини. — Мамлакатларимизда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали тўла фойдаланилмаётган имкониятлар кўп, уларни ишга солишдан икки томон ҳам манфаатдор.

Шавкат Мирзиёев мазкур учрашув давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичини бошлашда муҳим қадам бўлишини қайд этди.

— Аввало, 3 апрель кuni Санкт-Петербургда рўй берган машъум воқеа муносабати билан Сизга ва Россия халқига чуқур ҳамдардлик билдираман, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик юксак ишонч ва ўзаро ҳурмат асосида ривожланмоқда. Турли даражадаги алоқалар фаоллашгани мамлакатларимиз кўп қиралли муносабатлари кенгайтиришдан бирдек манфаатдор эканининг тасдиғидир. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасини ёд этиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюрганингиз учун яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида музокаралини давом эттирдилар.

Олий даражадаги ташрифлар мунтазамлик касб этгани давлатлараро муносабатлар юксак даражада ривожланиётганидан далolat беради. Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг бу галги учрашуви мамлакатларимиз ўртасидаги манфаатли мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Музокараларда савдо-иқтисодиёт, нефть-кимё, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, маданият, туризм, меҳнат мигрантлариға муносиб шароитлар яратиш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Россия халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Икки мамлакатнинг ташқи сийosat, ташқи савдо, мудофаа маҳамалари ўртасида ўзаро маслаҳатлашувлар изчил амалга оширилмоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон — Россия муносабатларида савдо-иқтисодий ҳамкорлик асосий ўрин тутди. 2013-2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2015-2019 йилларда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига оид ҳукуматлараро битимиға мувофиқ бу соҳадаги алоқалар изчил тараққий этмоқда.

Россия — Ўзбекистоннинг етакчи савдо шерикларидан бири. Ўзбекистон Россияға табиий газ, транспорт воситалари, қора ва рангли металллар, трикотаж, пахта толаси, мева-сабзавотлар, турли хизматлар экспорт қилади. Россия мамлакатимизга транспорт воситалари, кимё ва қороз sanoati товарлари, oзиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беради.

Ўзбекистонда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 96 қўшма қорхона фаолият юритмоқда.

Мамлакатимизда Россиянинг 64 фирма ва компанияси ваколатхонаси очилган. Россия Федерацияси ҳудудида Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан 569 тадбиркорлик субъекти ташкил этилган бўлиб, улар самарали фаолият олиб бормоқда.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ортиб бормоқда. Хусусан, сўнгги вақтларда қишлоқ хўжалигида бу кўрсаткич икки баробар ўсган.

Оқик ва дўстона руҳда ўтган музокараларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, уни янги босқичга кўтариш борасида фикр алмашилди.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганиға 25 йил тўлди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам ҳуқуқий асосға эға. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома доирасида изчил ривожланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш борасида самарали ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Икки мамлакат ҳам ёнлиги-энергетика соҳасида улкан салоҳиятға эға. Бу мазкур йўналишдаги ҳамкорлик ривожида муҳим ўрин тутмоқда. Россиянинг «Лукойл» ва «Газпром» компаниялари мамлакатимиздаги ўлгеводород қонларини қидириш ва ўзлаштиришда фаол иштирок этмоқда. 2016 йилда Бухоро вилоятида «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан «Лукойл» компанияси ҳамкорлигида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши бошланди.

Дунёдаги етакчи энергетика компанияларидан бири бўлган «Газпром» Ўзбекистонда геология-қидирув ишлари олиб бориш ва истиқболли ўлгеводород қонларини ўзлаштириш бўйича йирик лойиҳаларни амалга оширишда, шунингдек, табиий газни экспортға етказиб беришда фаол иштирок этмоқда. Устурутда ўтказилган геология-қидирув тадқиқотлари натижасида «Жел» газ конденсати қони очилди. «Шахпахти» қони биргаликда ўзлаштирилмоқда. Ҳозиргача у ердан 3,5 миллиард куб метр газ қазиб олинди.

Ўзбекистон автомобиллари Россияда доим харидорғир. «Matiz», «Nexia» каби машиналаримиз бу ерда бир неча бор йилнинг энг яхши автомобили, деб топилган. 2016 йилда ушбу мамлакатда янги бренд остидаги «Ravon Gentra» автомобили савдоси ўсган.

Серкўёш заминимизда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлариға дунё бозорида талаб юқори. Биринчи Президентимизнинг 2016 йил 12 апрелдаги «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу маҳсулотлар экспортини янада оширишға мустаҳкам замин яратди.

2016 йил якунларига кўра, қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 20 фоизға ўсиб, 398 миллион долларға етган. Музокарада мамлакатимизда етиштирилган мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турини кенгайтиришға келишиб олинди. Ҳукуматлараро ва идоралараро алоқалар кўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим омили бўлмоқда. Жорий йил 15 февралда Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Учрашувада товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт ва транзит соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришға доир масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатларимизда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали тўла фойдаланилмаётган имкониятлар кўпчилиги, уларни ишға солиш икки томон учун ҳам манфаат келтириши таъкидланди.

Музокараларда тиббиёт, илм-фан, таълим, маданият, спорт ва туризм соҳалари бўйича ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Россия тиббиёт фани ва таълимини ривожлантириш, клиник, профилактик, экспериментал кардиология соҳаларида янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётға таъбиқ этиш бўйича самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Дмитрий Медведев билан ҳам учрашди.

— Ўзбекистон Россиянинг энг ишончли ҳамкорларидан бири, — деди Дмитрий Медведев. — Икки давлат турли соҳаларда ишончли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Сизнинг ташрифингиз давомида жуда катта лойиҳалар бўйича келишувларға эришиш кўзда тутилган. Ташрифингиз давлатларимиз ҳамкорлигида янги саҳифа очилишға қатъий ишонаман.

— Санкт-Петербургда рўй берган машъум воқеа оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдираман, — деди Шавкат Мирзиёев. — Терроризм чегара билмайдиغان хавфдир, шу боис унга қарши барча қушларни бирлаштирган ҳолда курашиш лозим.

Президентимизнинг ушбу ташрифи ўзаро алоқаларни янги босқичға кўтариш, минтақавий ва халқаро аҳамиятға молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият экани таъкидланди.

— Бугунги мулоқотларимиз кўп соҳалардаги ҳамкорлигимизда янги даврни бошлаб беришға ишонаман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон билан Россиянинг маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳамкорлиги ҳам изчил ривожланмоқда. Икки давлат халқлари бир-бирининг адабиёти ва санъатиға ҳурмат билан қаради. Москва шаҳрида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкали қад ростлаган. Тошкент шаҳридаги Пушкин ҳайкали ўрнатилган майдон пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг сеvimли масканларидан биридир.

Ўзбекистон делегациясининг ташрифи арафасида Москвадаги А.Пушкин номидаги тасвирий санъат музейида мамлакатимизнинг И.Савицкий номидаги давлат санъат музейи И.Савицкий номидаги давлат санъат музейи экспонатлари кўргазмаси очилди. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин ушбу кўргазмага ташриф буюрдилар.

«Сахродаги Лувр» номини олган И.Савицкий номидаги давлат санъат музейи ўзининг бебаҳо экспонатлари билан дунё санъат ихлосмандлари эътиборини қозongan. Музейда графика, ҳайкалтарошлик, тасвирий ва амалий санъат намуналари, турли археологик топилмалар, этнография буюмлари, қадимий суратлар, тарихий ҳужжатлар сингари юз мингга яқин нодир экспонат жой олган.

Ана шундай буюк меросни йиғиб қолдирган олим И.Савицкий 2002 йилда «Буюк хизматлари учун» ордени билан таъкидланди.

А.Пушкин номидаги тасвирий санъат музейида намойиш этилаётган ноёб экспонатлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси давлат ташрифи якунлари бўйича қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентлари Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин Қўшма баёнотни имзоландилар. Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида ҳудудлараро ҳамкорлик, меҳнат фаолиятини вақтинча ташкил этиш, соғлиқни сақлаш, тиббиёт таълими ва фани, туризм, қурилиш, нефть-газ, қончилик, металлургия, банк-молия, божхона, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришға доир ҳужжатлар имзоланди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувада музокаралик очиклик, ўзаро ишонч ва амалий руҳда ўтганини таъкидладилар. Ташриф асносида эришилган келишувлар, имзоланган 16 миллиард долларлик 50 дан ортиқ ҳужжат Ўзбекистон ва Россия тараққиётига, икки мамлакат халқларининг фаровонлигини янада юксалтиришға хизмат қилиши қайд этилди.

Президентимизнинг давлат ташрифи ва унинг доирасидаги тадбирлар Россия телерадиоканаллари, газеталари, интернет нашрлари орқали кенг ёритиб борилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россияға давлат ташрифи якуниға етди. Бўлиб ўтган музокараларда икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ва истиқболлари белгилаб олинди. Тарихий аҳамият касб этган ушбу ташриф Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янги босқичға олиб чиқди.

**Абу Бакир ўРЗОВ,
ЎЗА махсус мухбири
Тошкент — Москва — Тошкент.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш кuni ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 72 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 2 000 000 (икки миллион) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички

ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар

ижтимоий ҳаракати, Бадий академия, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» жамғармаси ва «Махалла» хайрия жамоат фонди, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъни-шарафи химоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 4 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

кўриш ва уни ўтказишға амалий ёрдам кўрсатсин;

1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчисига, фронт орти меҳнат фахрийларига, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг оила аъзоларига моддий, маънавий ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатиш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар, ташкилот ва ҳарбий қисмлар вакиллари бириктирилсин ҳамда ушбу тоифадаги шахсларни қутлаш ва кўнглини кўтариш мақсадида уларнинг яшаш жойига раҳбарларнинг ташрифини ташкил этсин;

ёлғиз ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари турар жойи ва уй ҳўжаликлари таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда ўз уй-жойига эға бўлмаганларига турар жой ажратиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;

Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш давомида 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари кўрсатган матонати, мардлик ва жасорати аҳамиятини кенг аҳоли қатлами, айниқса, ёшлар ўртасида тушунтириш, тарғиб ва ташвиқ этиш бўйича маданий-маърифий ва ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар ўтказилишини ташкил қилсин;

1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан бир марталик пул мукофотини тантанали равишда топширсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» жамғармаси, «Махалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Ўзбекон-церт» давлат муассасаси билан ҳамкорликда:

2. Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларға тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳ (А.Арипов):

Дастурда назарда тутилган тадбирларни «Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик» ҳамда «Аждодларни хотирлаш — муқаддас қадрият» ишорлари остида юқори савияда ўтказишни ташкил этсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг сифатли ўтказилишини таъминласин ва жойларға қийиб, Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларға тайёргарлик

вилоят, шаҳар ва туманларда Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқин ва амалга оширсин;

Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги композициялар инсталляцияси, жумладан, уруш йиллари қўшиқ ва мусикалари, дастурхон тузаш ва тегишли шароитлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этсин;

кўча ва майдонларни Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган плакат ва стендлар билан безатиш таъминласин.

5. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари ҳамда мамлакатимизнинг турли ҳудудида истиқомат қилувчи 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари вакиллари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган маросимларға темир йўл ёки автомобил транспортида келиб-кетиши, меҳмонхоналарда жойлаштириш, овқатланиш, маданий ҳордик чиқариши ҳамда зарур ҳолларда кийим-кечак билан таъминланиши;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан:

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси бюджетни ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетни маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Хотира ва Қадрлаш кuni муносабати билан Тошкент шаҳрида 2017 йил 9 май соат 21.00 да байрам салотини ташкил қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминласин.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиоканаллари, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Хотира ва Қадрлаш кuni ўтказилишиға тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тасвია этилсин.

9. Мазкур Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 4 апрель

Қуйи бўғин —
асосий таянч

Одамлар билан
юзма-юз бўлиш,
ҳаётни ўрганишда
партиянинг бошлан-
ғич ташкилотлари
муҳим аҳамият касб
этади. Зотан, ҳар бир
қуйи ташкилот
партия электорати
вакиллари бирлаш-
тирувчи ўзига хос
тузилмадир. Шунинг
учун партиянинг
бошланғич бўғинида
мулоқотларни кўпроқ
ташкил этиш лозим.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

депутатлар билан
ҳамкорликни
куचाитирмоқда

Бунда партия бошланғич таш-
килотлари билан маҳаллий Кен-
гаш депутатларининг ҳамкорлиги
муҳим, албатта.

Наманган вилоят партия кен-
гаши мисолида оладиган бўлсак,
бошланғич партия ташкилотлари
ва депутатлик корпусининг яқин
ҳамкорлигини таъминлайдиган
мақбул ва самарали механизм-
ларни вужудга келтириш бораси-
да муайян ишлар амалга оширил-
моқда. Хусусан, электорат ман-
фаатларини ҳимоя қилиш, касана-
чилик, оливалли тадбиркорликка
кенг имкониятлар яратилишига
қўмаклашиш мақсадида туман ва
шаҳар Кенгашларидаги партиямиз
гурuhlари аъзолари бошланғич
ташкилотларга бириктирилди.

Жойларда аҳоли билан учра-
шиш ва улар томонидан кўтари-
лаётган масалаларни муҳокама
қилиш ишлари кўпроқ партиянинг
бошланғич бўғинларида бўлиб
ўтмоқда. Албатта, муаммоларни
ҳал этишда маҳаллий Кенгашлар-
даги партиямиздан сайланган де-
путатлар фаоллик кўрсатишмоқда.

Масалан, яқинда Наманган
туманидаги «Тошбулоқ» ҳудудий
партия ташкилотиди бўлиб ўтган
мулоқотда ички йўлларнинг таъ-
мирталаблиги, йўлнинг серкатор
қисмида светофор ўрнатилмаган-
лиги, бундан ҳайдовчилар ҳам,
пйёдалар ҳам жабр кўраётгани
билан боғлиқ муаммо кўтарилди.
Ушбу масала халқ депутатлари
Наманган туман Кенгаши депута-
ти Умид Солиевнинг ташаббуси
билан ўз ечимини топди.

Шунингдек, Наманган шаҳри-
да жойлашган «Пахталик кўл»
ҳудудий бошланғич партия ташки-
лотиди аҳоли томонидан мактаб-
гача таълим муассасаларининг
фаолияти юзасидан муаммолар
айтилиб, таклифлар илгари сурил-
ган эди. Ушбу масала халқ де-
путатлари Наманган шаҳар Кен-
гашидаги партиямиз гуруҳи аъзола-
рининг саъй-ҳаракатлари билан
доимий комиссия ййилишида му-
ҳокама қилиниб, сессиясига олиб
чиқилди ва тегишли қарор қабул
қилинди.

Бундан келиб чиқадиган хуло-
са шуки, муаммоларнинг жойида,
ўз вақтида ҳал этилишида бош-
ланғич партия ташкилотлари ва
депутатлар ҳамкорлиги яхши са-
мара берапти.

Депутат ўзи кўтариб чиқаёт-
ган муаммони ниҳоятда пухта
билиши керак. Бироқ унинг
ёлғиз ўзи масалага тааллуқли
барча маълумотларни тўплаши,
тартибга солиши, ўрганиб чи-
қиши мушкул. Бу борада де-
путатларга партия ташкилотлари
ёрдам бериши керак. Демак, маз-
кур тизим куч-қуввати тўла-тўқис
ишга солинишига эришиш, бу жа-
раёнда ҳар бир партия фаолининг
масъулиятини кучайтириш, уму-
ман, қуйи бўғинларга эътиборни
бундан-да ошириш жорий йилда-
ги асосий вазифаларимиздан бири
бўлади.

Ойбек АБДУРАХИМОВ,
Ўзбекистон ХДП Наманган
вилоят кенгаши
сектор мудири.

МУРОЖААТЛАР ЕЧИМ ТОПМОҚДА, АММО...

Хоразм вилоят партия кенгаши Жамоат-
чилик қабулхоналари иш самарадорлигини
оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.
Электоратимиз вакиллари йўлантираёт-
ган муаммоларга ечим топишда жойларда
ташкил этилаётган кўчма қабулхоналар му-
ҳим аҳамият касб этмоқда.

Янгиариқ туманида ўтказилган
кўчма қабулхонага ўн икки нафар
фуқаро ўн саккизта масала бўйича
мурожаат қилди.

Туман марказидаги «Урганч» ма-
ҳалласининг Урганч кўчасида яшов-
чи фуқаро Муборак Матёкубова
мазкур кўчага ичимлик сув қувур-
лари тортилгани, аммо қувурлар
ёрилгани боис аҳоли ичимлик суви
таъминотида қийналаётгани бора-
сида мурожаат қилганди.

Фуқаро Ибодулло Оллаберганов
ҳам долзарб масала юзасидан му-
рожаат этди. «Истиклол» маҳалла-
си ҳудудида яшайдиган аҳоли тоза
ичимлик сув билан тўла таъмин-
ланмаган.

Раёно Бобононова туман мар-
казининг Навоий номли кўчасида
истикомат қилувчи фуқаролар ҳам
ичимлик сув муаммосидан қийна-
лаётганини айтган. Кўчага тортил-
ган қувурлар эскиргани, ёрилгани-
дан сувнинг сифати ўта ёмон дара-
жада. Ҳатто истёмолга яроқсиз бир
ахволда.

Мазкур мурожаатлар асосида
партия вилоят кенгаши Янгиариқ
тумани ҳокими К.Сабировга ҳамда
«Тўямўйин-Урганч» минтақаларо
сув қувурларидан фойдаланиш
бошқармасига расмий хат билан чи-
қишганди. Мазкур бошқарма ди-
ректори вазифасини бажарувчи
И.Бобононов йўлаган жавоб хати-
да Янгиариқ шаҳарчаси «Урганч»
маҳалласининг Урганч кўчасидаги
сув тармоқларидаги носозлиқлар
қисқа фурсатда бартараф қилинган

айтилади. Шунингдек, «Истиклол»
маҳалласи аҳлини сув билан таъ-
минлаш 2017-2021 йилларга
мўлжалланган дастурга киритилган.
Навоий номли кўчага тортилган сув
қувурларини таъмирлаш масаласи
ҳам маблағ туфайли ўз вақтида ҳал
қилинмаётгани қайд этилган.

Фуқаро Қурамбой Эшчанов 2013
йилда Оғаҳий маҳалласи кўчасига
асфальт ётқизилгани, аммо ишлар
чала қолгани, бунинг устига ётқи-
зилган асфальт сифатсизлиги ту-
файли тезда ишдан чиқиб, йўллар
носоз бўлиб қолаётгани ҳақида му-
рожаат қилганди.

Янгиариқ туман ободонлаш-
тириш бошқармаси бошлиғи
С.Васоевнинг шу масала бўйича ви-
лоят партия кенгашига юборган жа-
воб хатида Гулланбоғ қишлоғининг
«Дўстлик» маҳалласи ички йўллари-

га 2012-2014 йилларда режа бўйи-
ча асфальт ётқизилгани, аммо иш-
латилган битумнинг сифатсизлиги
боис бузилгани қайд қилинади. Ва
бу йўллар кейинги йилларда режа-
га асосан қайта таъмирланиши ай-
тилади.

Қизиқ ҳолат: мазкур маҳалланинг
200 метр ички йўлига ўтган даврда
асфальт ётқизилган, аммо битум си-
фатсизлигидан бор-йўғи икки юз
кадамлик равои йўл тезда афтода
ҳолга келиб қолган. Мазкур иш учун
масъул бўлган ташкилот нега бунга
йўл қўйди, қим сифатсиз битумни
ишлатди, бунинг натижасида дав-
латнинг қанча маблағи ҳавога учди?
Бунга қимлар айбдор?..

Кейинги йилларда нафақат маз-
кур маҳалла, балки бошқа маҳал-
лалар ва кўчаларнинг ички йўлла-
рини асфальт қилиш режага асо-
сан олиб борилиши белгиланган
экан, яна тагин сифатсиз битум иш-
латилмаслигига қим қафолат бера-
ди?

...Кўчма қабулхонага мурожаат
қилган фуқаро Султонпошша
Авезова туманда ўн икки минг на-
фар пенсионер истикомат қилиши-
ни айтиб, пенсия пуллари пластик
карточкаларга тўлиқ ўтказилган
Авезова туманда ўн икки минг на-
фар пенсионер истикомат қилиши-
ни айтиб, пенсия пуллари пластик
карточкаларга тўлиқ ўтказилган

Фуқаролар мурожаатлари бўйича бир қатор те-
гишли ташкилот раҳбарларига партия вилоят кен-
гаши расмий хат билан чиққанди. Аммо орадан
икки ойча вақт ўтган бўлса-да Янгиариқ туман
ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси бош-
лиғи А.Бобоев, туман давлат санитария-эпидемио-
логия назорати маркази бош шифокори
М.Матёкубов, «Янгиариқ тумангаз» филиали бош-
лиғи Х.Жуманиёзовлар ҳали-ҳамон фуқаролар му-
рожаатлари бўйича юборилган хатларга жавоб
қайтаришга шошилмаяпти.

сиялар нақд пулда берилиши таъ-
минланди. Аммо пластик карточка-
да хизмат кўрсатиш, савдо, хизмат
шоҳбачаларида терминаллар тўлиқ
ўрнатилиши муаммоси ҳамон ҳал
бўлгани йўқ...

Фуқаролар мурожаатлари бўйи-
ча бир қатор тегишли ташкилот
раҳбарларига партия вилоят кен-
гаши расмий хат билан чиққанди.
Аммо орадан икки ойча вақт ўтган
бўлса-да Янгиариқ туман ИИБ йўл
ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси
бошлиғи А.Бобоев, туман давлат
санитария-эпидемиология назора-
ти маркази бош шифокори
М.Матёкубов, «Янгиариқ туман-
газ» филиали бошлиғи Х.Жумани-
ёзовлар ҳали-ҳамон фуқаролар му-
рожаатлари бўйича юборилган хат-
ларга жавоб қайтаришга шошил-
маяпти. Аҳоли масканларини таби-
ий газ билан таъминлашдаги узи-
лишлар, айрим ҳудудларда йўллар-
нинг торлиги, йўллардан одамлар
ўтишида қийинчиликлар мавжудли-
ги, автомобиллар ҳаракат тезли-
гини тартибга солиш каби масала-
лар асоссиз равишда ўз ечимини
топмаяпти.

— Кўчма жамоатчилик қабулхо-
насига фуқаролар турли масалалар-
да мурожаат қилишди, — дейди
партия вилоят кенгаши бўлим
мудири, вилоят Кенгаши депу-
тати Нодира Одамбаева. — Бу ма-
салаларни жойларнинг ўзида ҳал
қилиш мумкин. Фақат масъулият би-
лан ёндашилса, сансалорчиликка
йўл қўйилмаса одамларни ўйланти-
раётган муаммолар тезда ечим то-
пади.

Партия вилоят кенгашининг
кўчма жамоатчилик қабулхоналари
туманларда тизимли равишда таш-
кил қилинмоқда. Бу эса фуқаролар
манфаатини ҳимоя қилишга ва ал-
батта айрим боқибегам масъул раҳ-
барларни сергак торттиришга хиз-
мат қилиши, шухбасиз.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ҳар бир инсонга
меҳр-мурувват
кўрсатиш
бурчимиздир

Ўзбекистон ХДП
Фарғона шаҳар
кенгаши «Соғлом
авлод учун» халқаро
хайрия фонди
ҳудудий филиали
билан ҳамкорликда
хайрия
тадбирларини
ўтказди.

ХАЙРИЯ ТАДБИРЛАРИ



Фарғона шаҳри Бўстон маҳал-
ла фуқаролар ййини Борис кўча-
сида Сергей Сарокин ёлғиз
яшайди. Унинг ҳолидан хабар
олиб, кўнгил сўрашганида у бун-
дай гахўрликдан ҳаяжонланиб
кетди.

— Маҳаллодошлик, меҳр-му-
рувват деган удулар Ўзбек халқ-
ига хос бебаҳо анъанадир, —
деди у. — Мен беҳал қувондим.
Давлатимизнинг бағрикенглик
сийсати, Халқ демократик пар-
тиясининг амалий фаолиятидан
миннатдорман.

«Ёшлар» маҳалла фуқаролар
ййинидаги Турон кўчасида
яшовчи Муҳаммадали Аминов 27
баҳорни қаршилади. Лекин оғир
касаллик туфайли юролмай
қолган. Партиямизнинг «Истиқ-
бол» ёшлар қаноти аъзолари
Муҳаммадалига ҳар томонлама
ёрдам бериб туради.

Шу кун ижтимоий ҳимояга
муҳтож аҳоли вакилларидан 2 на-
фарига ногиронлик аравачаси, 10
нафарига озиқ-овқат маҳсулотла-
ри ҳамда совғалар топширилди.

— Мамлакатимизда инсон
ҳуқуқ ва манфаатларини муҳо-
фаза этишга қаратилган муҳим
ишлар амалга оширилмоқда,
қатор қонун ва бошқа меъёрий
ҳужжатлар қабул қилинмоқда.
Жумладан, «Халқ давлат идора-
ларига эмас, давлат идоралари
халқимизга хизмат қилиши ке-
рак», деган тамойил ҳаётга тат-
биқ этилмоқда, — деди Фарғона
шаҳар партия кенгаши раиси
Алишер Умаров. — Шундан ке-
либ чиққан ҳолда, Кўчма жамо-
атчилик қабулхоналари фаоли-
тини такомиллаштириш пимиз. Бу
электорат вакиллари ўйланти-
раётган муаммоларни ҳал этиш-
да муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хайрия тадбирида Ўзбекистон
ХДП Фарғона вилоят кенгаши
раиси, халқ депутатлари вилоят
Кенгаши депутати Дилбархон
Мамажонов, «Соғлом авлод
учун» халқаро хайрия фонди
ҳудудий филиали директори
Нурулло Худойберганов ва бош-
қалар иштирок этди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Худудий ўқув-семинар

СЕССИЯГА МАСАЛА КИРИТИШ ЎЗ-ЎЗИДАН БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Мар-
казий Кенгаши томонидан минтақалар бўйлаб
ўқув-семинарлар ўтказилмоқда. Мазкур тадбир-
ларда партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бир-
лашмаларининг ўз ваколатларидан самарали фой-
даланиши масаласида фикр-мулоҳазалар билди-
рилмоқда. Худудларнинг ривожланиш ҳолатидан
келиб чиқиб, маҳаллий Кенгаш депутатлари учун
таъсиярлар ишлаб чиқиляпти.

Пскент туманида ҳам
ана шундай ўқув-машгуло-
ти бўлиб ўтди. Унда вило-
ят партия кенгаши фаол-
лари, туман Кенгаши де-
путатлари, ўқитувчи-педа-
гоглар иштирок этди.

Дастлаб вилоят партия кен-
гаши раҳбари Меҳрозиiddин
Дархонов партия ташкилотла-
ри ва депутатлари олдида
қўйилаётган бугунги талаб-
лар ҳақида сўз юритди.
Электорат манфаатларини
ҳимоя қилиш, уларни ўй-
лантираётган масалаларни
ҳал этишда депутатлик
сўрови институтидан кенг
фойдаланиш зарурлигини
таъкидлади.

Жорий йилнинг ўтган
даврида 100 га яқин де-
путатлик сўровлари тегишли
давлат ҳокимияти ва бош-
қаруви органларига юбо-
рилган бўлса, уларнинг ак-
сарият қисми фуқаролар
муурожаатларига асослан-
ганини қайд этди. Сусткаш-
ликка йўл қўяётган партия
гурuhlари ва ташкилотла-
рининг фаолияти танқидий

баҳоланиб, уларнинг иши-
ни жонлантириш юзасидан
таклифлар билдирилди.

Партия Марказий Кенга-
ши бўлим мудири Боймурод
Юсупов ўқув-семинар мак-
сад ва вазифаларидан ке-
либ чиқиб, маъруза қилди.

— Партия гуруҳларининг
бевоисита вазифаси халқ
билан ишлаш, уларни ўй-
лантираётган муаммоларни
ўрганиб, муҳокама қилиш-
дан иборат, — дейди у. —
Масалани доимий комиссия
ёки сессия муҳокамасига
қиритиш учун маълумотлар
атрофлича таҳлил қилинган,
чўқур ўрганилган ва шунга
мос равишда аниқ, жўяли
таклифлар ишлаб чиқилган
бўлиши лозим. Яна бир му-
таҳил жиҳати шундаки, ҳар
бир масала юзасидан со-
ҳага алоқадор мутахассис
билан ҳамкорликда иш
олиб борилса, мақсадга му-
вофиқ бўлади. Масаланинг
катта ёки кичиклигидан
қатъи назар масъулият би-
лан ёндашиш талаб этила-

Шунингдек, ҳар бир де-
путат зиммасидаги масъу-
лиятни чуқур англаса,
фаолиятига танқидий баҳо
бера олади. Қачонки, де-
путат нима учун сайланган-
ини тўлақонли идрок этиб,
вазифасини виждонан ба-
жарса, халқ манфаатини
ҳимоя қилиш борасидаги
ҳаракатлари ижобий сама-
ра беради.

Маърузачи партия гу-
руҳлари ишини такомил-
лаштириш, ҳамкорлик ти-
зимини яхшилаш ҳамда
сессияга масала қиритиш
учун эътибор қаратилиши
зарур бўлган жиҳатлар ху-
сусида ҳам фикр-мулоҳаза-
лар билдирди. Сўзга чиқ-
қан депутатлар томонидан
турли таклифлар илгари
сурилди.

Аҳолининг истакларини
инобатга олиб, 2016 йилда
йўлларни таъмирлаш
масаласини сессияга олиб
чиқдик. Мутасаддилар жорий
йил дастурига қиритишни ваъда
берди. Айни пайтда мазкур
масала диққат марказимизда
турибди.

— Олдимизда турган ва-
зифалар кўп. Уларнинг
барчасини амалга ошириш
учун биргаликда ҳаракат
қилишимиз керак, — дей-
ди Пскент туман Кенгаши-
даги ЎзХДП гуруҳи аъзоси
Жўракул Отақулов. — За-
мон тараққий этиб, одам-
ларнинг фикри, дунёқара-
ши ҳам йилдан-йилга ўсиб
бормоқда. Бу билан яна-
да катта масъулият, ишга
виждонан ёндашишни та-
лаб этади. Аҳолининг ис-
такларини инобатга олиб,
2016 йилда йўлларни таъ-
мирлаш масаласини сес-
сияга олиб чиқдик. Мута-
саддилар жорий йил дас-
турига қиритишни ваъда
берди. Айни пайтда маз-
кур масала диққат маркази-
мизда турибди.

— Коллеж битирувчилари-
ни ишга жойлаштириш
ҳам бугунги куннинг усту-
вор вазифаси саналади, —
деди Пскент туман Кенга-
шидаги ЎзХДП гуруҳи аъзо-
си Абдулхамид Давронов. —
Яхши мутахассис ҳеч қачон
кўчада қолмайди. Аммо би-
тирувчиларнинг барчаси
ҳам ўз ишининг устаси
бўлиб етишяпти, дейиш
қийин. Шунинг учун кол-
лежлардаги таълим сифа-
тини тўбдан ислоҳ этиш ке-
рак, деб ўйлайман. Ўқитув-
чиларнинг малакасини оши-
риш, ёшларнинг дарс маш-
гулотларига мунтазам қат-
нашиши учун ота-оналар
масъулиятини янада кучай-
тириш зарур. Ҳозир шу ма-
сала бўйича таклифлар тай-
ёрланганди.

Семинарда, шунингдек,
Пскент туман ахборот
ресурс-маркази раҳбари
Хотимахон Оқилова, туман
Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи
аъзоси Мурод Абдулқосимов,
Пскент агросаноат касб-
хуна коллежи директори
Темур Азаматов худудларда
аҳолини ўйлантираётган
муаммоларни ҳал этиш
бўйича ўз мулоҳазаларини
билдиришди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Қачонки, депутат нима учун сайланганини тўлақонли идрок этиб, вазифасини виждонан бажарса, халқ
манфаатини ҳимоя қилиш борасидаги ҳаракатлари ижобий самара беради.

ИНСОНЛАРГА МЕХР, МУҲАББАТ УЛАШАМИЗ...

Ҳаётда нималар бўлмайди. Соппа-соғ юрган инсон бир кунда бемор. Тўкин-сочин яшаётган оила ёрдамга муҳтож. Фарзандларини оқ ювиб, оқ тараган ота-онага кўмакчи тиргак йўқ... Бу мураккаб умр кечмишлари барчамизнинг кўз ўнгимизда юз бермоқда. Лекин биз бугун ўта шиддатли, баъзи одамлар орасида меҳр-оқибат тушунчалари бир қадар кўтарилган, ҳатто, яқинлари, дўст-биродарларига эътибор кўрсатиш учун фурсат тополмайдиган бир даврда яшаймиз. Қандай қилиб шу замонда минглаб кишиларни кўнглига йўл топиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, беғараз ёрдам беришга улгурса бўлади.

«Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондининг ўтган йилги фаолияти таҳлилига бағишланган тадбирда қатнашар эканман, кўнглимдан ана шу саволлар ўтди. Очиғи, фонд томонидан бажарилган ишларнинг кўлами кенглиги мени ҳайрон қолдирди.

Йигилишни Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элмира Боситхоннова кириш сўзи билан очиб, фонд томонидан амалга оширилаётган ишлар, олинган турган устувор масалалар ҳақида фикр билдирди.

— Бугун мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди у. — Бу ўз навбатида жамоат ташкилотлари зиммасига ҳам жиддий вазифалар юклайди. «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди фаолиятининг асосий йўналишларидан бири тиббиёт тизимини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга қаратилган.

Президентимизнинг тиббиёт соҳасини ислоҳ этиш бўйича қатор фармон ва қарорлари эълон қилинмоқда. Уларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш, халқимиз ўртасида меҳр-оқибат туйғулари янада мустаҳкамлаш зарур.

— Фондимиз ташкил қилинганга ўттиз йилдан ошди, — дейди «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди бошқаруви раиси Асрор Мирзахмедов. — Шу давр мобайнида фондимиз жамият ҳаётида ўз ўрнини топди. Асосий йўналишимиз ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, ногиронлар, беморлар,

боқувчисини йўқотган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштиришга кўмаклашиш, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни оширишдан иборат.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳар қандай даврда ҳам давлат ва жамият олдида турган энг муҳим, энг долзарб вазифа ҳисобланади. Чунки одамларнинг турмуш тарзи, кайфияти, амалга оширилаётган ислохотларга муносабати қандай бўлиши, аввало улар қай даражада ижтимоий ҳимояланганлиги билан бевосита боғлиқ.

Фондининг ўтган йилдаги фаолиятини сарҳисоб қиладиган бўлсак, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўмагида давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан жамоат фонди ҳисоб рақамига 2.479.347.000 сўм хайрия маблағи келиб тушди.

Ушбу маблағлар фуқароларнинг соғлиқини муҳофаза қилиш, беморлар учун малакали шифокорлар маслаҳати ва даволаш ишларини уюштириш, тиббиёт муассасаларини тиббий буюмлар, муҳтож оилаларда яшовчиларни озик-овқат, кийим-кечак ва дори-дармонлар билан таъминлаш сингари хайрли ишларга сарф этилди.

Умуман олганда, 2016 йил якунига кўра, жамоат фондининг хайр-эхсон ҳамда ҳомийлик харажатлари — 1.663.974.729 сўмни ташкил этди. Ушбу рақамнинг ўзи ҳам жамоат фонди томонидан қилинган ишларнинг кўлами ва миқёсини яққол кўрсатиб турибди.



Йил якунига кўра, жамоат фондининг жами харажатлари — 1.842.121.450 сўмни, хайр-эхсон ва ҳомийлик харажатлари эса — 1.663.974.729 сўмни ташкил этиб, жами харажатларига нисбатан — 90,3 фоизни, ҳўжалик харажатлари эса — 9,7 фоизни ташкил этди.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида ишлаб чиқилган режага асосан қатор ишлар амалга ошириляпти. Бу борада фондининг вилотлардаги ваколатхоналари ва ҳудудий муассасалари олдида муҳим вазифалар турибди. Хусусан, ёлғиз ва ижтимоий мададга муҳтож кекса ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ёлғиз кексалар, Иккинчи жаҳон уруши, меҳнат фронти фахрийлари ва ногиронларини тиббий қўриқдан ўтказиш ҳамда соғломлаштиришга жиддий эътибор қаратишимиз талаб этилади.

— Фонд фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади, — дейди «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди

васийлик кенгаши аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Малика Хўжаева. — Хусусан, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилган «Кекса ва ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳаёт даражаси сифатини юксалтириш» мавзусидаги ижтимоий лойиҳага асосан Хўжайли, Зомин, Шахрисабз, Қўқон Мурувват интернат уйида яшаётган 1100 нафар кекса ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш учун қарийб 130 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Энг муҳими, жойларга бориб, одамлар билан юзма-юз суҳбат қилинди, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Биринчидан, бу беморларнинг кайфиятини кўтариш, кўнглини олишга хизмат қилса, иккинчи томондан бошқалар учун ибрат ҳамдир.

— Ҳар қандай жамоат ташкилотининг фаолияти жойларда кўпроқ сезилиши керак, — дейди «Меҳр-

шафқат ва саломатлик» жамоат фонди Қашқадарё вилоти ваколатхонаси раҳбари Канот Азизов. — Бунинг учун ҳудудий муассасалар фаолроқ бўлиши талаб этилади. Чунки улар бевосита аҳоли билан ишлайди, уларни ўйлантираётган муаммолардан хабардор бўлади. 2016 йил давомида хайр-эхсон ва ҳомийлик учун 100 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ сарф этилди. Етмишга яқин фуқарога вилот соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда тиббиёт муассасаларида даволаниши учун бепул йўланмалар ажратилди.


Йигилишда, шунингдек, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди фахрий раиси, академик Шабот Хўжаев, Васийлик кенгаши аъзолари Мухтор Усмонов, Фаррух Хамроев сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁ

ИНТЕРНЕТ
ОРҚАЛИ

лимонд таъми ва ранги
узатилади



Сингапур миллий университети олимлари антиқа ишланмани тақдим қилдилар. Улар интернет орқали лимонднинг таъми ва рангини узатишга имкон берувчи усулни яратилди.

Олимлар ўз ишланмаларида бўёқлар ва кислота датчикларидан фойдаланишган. Улар сув, электрод ва ёруғлик диодлари билан жиҳозланган қурилмага зарур маълумотни узата олишган. Электрод ва сув лимонднинг нордон таъмини, ёруғлик диодлари рангини ҳосил қилган.

«Клонлаштирилган» лимонднинг татиб қўрганлар унинг етарлича нордон эмаслигини, бироқ ҳақиқий лимонд таъмига анча яқинлигини қайд қилишган. Олимлар келажакда лимонд хидини узатишга имкон берувчи усулни яратишмоқчи.

ОКЕАНДА

2050 йилга келиб
балиқлардан кўра,
пластмасса кўпроқ
бўлиши мумкин



Исландия президенти Халқаро Арктика форумидаги чиқишида халқаро ҳамжамиятни океан муаммосини ҳал этишга чақирди.

Бугунги кунда ҳар йили океанга 8 миллион тоннадан ортиқ пластик чиқиндилар ташланмоқда, бу рақам ортиб бормоқда. 2050 йилда океанда пластик чиқиндилар балиқлардан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин.

ЕРНИНГ
ЎПИРИЛИШИ
ОҚИБАТИДА
30 киши бедарак
йўқолди



Индонезияда юз берган ер ўпирилиши оқибатида ўттиз киши бедарак йўқолган.

Табиий офат Ява оролининг Шарқий қисмидаги Баранар қишлоғи яқинида содир бўлган.

Натижада 30 га яқин уй-жой, бошқа бинолар ва транспорт воситаларига зарар етган.

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, ўттиздан ортиқ киши бедарак йўқолган. Улар кутқарувчилар, аскарлар ва кўнглилар томонидан қўлирилмоқда.

Интернет материаллари
асосида тайёрланди.

Қарор ва ижро

ДОРИ-ДАРМОН АРЗОНЛАШТИРИШ

Президентимизнинг 2016 йил 31 октябрдаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан кўпчиликини ўйлантириб келётган масалаларни ҳал этиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Мухбиримиз ушбу қарор ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан суҳбатлашди.

— Мазкур қарор халқимизни арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш ишларини тартибга солиш, тиббий хизмат сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди, — дейди «Дори-дармон» акциядорлик компанияси Бошқаруви раиси Абдугани Камиллов. — 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб 116 маҳаллий ва 227 хорижий корхоналарда ишлаб чиқарилган фармацевтика маҳсулотларига чегараланган нархлар белгиланди. Улгўри савдо учун сотиб олинган қўйматидан 15 фоиз, чакана савдо учун улгўри нархдан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда устамалар жорий этилди. Бу борада навбатда аҳоли ва дори-хона муассасаларига катта қўлайликлар туғдирди. Шунингдек, қарорда кўрсатилган дори воситалари ва тиббий буюмлар компаниямиз тизимидagi дори-хона муассасаларида қайта нархланиб, чегараланган нархлар белгиланди. Бу борадаги маълумотлар компания сайтига ва дори-хоналарда истеъмолчилар бурчагига жойлаштирилди. Энди фуқароларимиз дори-дармон харид қилишда ушбу маълумотлардан кенг фойдаланиши мумкин.

Бундан ташқари, дори-хоналарда зарур дори воситалари ва тиббий буюмларнинг минимал рўйхати, рецетпсиз бериладиган дори воситалари рўйхати, белгиланган нархларда сотиладиган дори восита-

лари ва тиббий буюмларнинг чекланган нархлари ҳамда чекланган нархларда сотувга чиқариладиган маҳаллий дори воситалари ва тиббий буюмларнинг 2016 ва 2017 йиллар учун қийматлари илбид қўйилган.

Хориждан келтириладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар бўйича тендер савдолари бўлиб ўтди. Тендернинг дастлабки натижаларига кўра, компаниямиз ва унинг бўлинмалари 167 турдаги дори препаратларининг 140 таси, яъни 86 фоизи бўйича ғолиб деб топилди.

Масалан, Россияда ишлаб чиқариладиган «Гепарин 5000 ЕД/мл 5 мл №5» дори воситасининг хусусий дори-хоналардаги чакана нархи ўртача 45 минг 600 сўмни ташкил қилса, тендер якуни бўйича олиб келинадиган дори воситасининг чакана нархи 16 минг 236 сўмга тенг бўлди, яъни унинг нархи 64 фоизга арзонлашди. Италияда ишлаб чиқариладиган «Неотон пор.д/приг. р-ра 1г №1» дори воситасининг хусусий дори-хоналардаги ўртача чакана нархи 155 минг сўм бўлган бўлса, эндиликда бу дори воситасининг чакана нархи 42 минг 325 сўм қилиб белгиланди.

Хозирда компания таркибидан 8 акциядорлик ва 12 масъулияти чекланган жамият, 17 дори омборхонаси, 15 назорат таҳлил лабораторияси ҳамда республикаимизнинг барча ҳудудларида жами 1400 дан



ортиқ дори-хона муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Дори-хона муассасаларининг 76 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларида, шу жумладан 758 таси қишлоқ врачлик пунктларида жойлашган. Қолаверса, ушбу қишлоқ врачлик пунктларидаги дори-хона шохобчаларида дори воситалари ва тиббий буюмлар ассортименти 350-600 турдан иборат бўлиб, уларнинг асосий қисми, яъни 85-90 фоизи маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган.

Чекка ҳудудлардаги қишлоқ аҳолисини дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида махсус жиҳозланган «ISUZU» русумли изотермик автофургонларда 14 кўма дори-хонанинг фаолияти йўлга қўйилган. Бундан ташқари, «DAMAS» русумли автомашиналар негизда қўшимча равишда яна 100 кўма дори-хона ташкил этилди. Хозирда маҳаллий ҳокимиятлар билан келишилган жадвал асосида республикаимизнинг чекка ҳудудларидаги аҳолига кўма дори-хоналарда керакли дори воситалари ва тиббий буюмлар етказилмоқда. Хусусан, 2016 йилда кўма дори-хоналар орқали аҳолига 6,5 миллиард сўмлик савдо хизмати кўрсатилди.

Ҳудудларда 129 ижтимоий дори-хона ташкил қилинди.

Уларда сотиладиган дори воситалари нархининг арзонлиги ва хизмат кўрсатиш сифати аҳолини мамнун қилмоқда.

Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилотлар ва Тошкент шаҳрида компаниямиз томонидан 30 туманда ижтимоий дори-хоналар, «DAMAS» автомобилларида қўшимча 40 кўма дори-хона ташкил этилади.

Дори воситалари билан имтиёзли таъминлашни ҳуқуқига эга бўлган шахслар, яъни онкологик, сил, рухӣ, эндокринологик (қандли ва қандсиз) касалликларга чалинганлар, ОИБ касаллигини юқтирганлар, юрак клапанини проездешидан операция қилинган шахслар, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилганларга, уруш меҳнат фронти қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, ҳарбий хизматни ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ўтаган пенсия ёшидаги шахсларга дори-дармонлар бепул берилади.

— Хозирги кунда юртимиздаги 146 фармацевтика корхонасида тиббиётнинг барча йўналишларида қўлланилади-

ган 2 минг номдан ортиқ дори-дармон ишлаб чиқарилмоқда, — дейди «Ўзфармсанот» акциядорлик концерни аппарати раҳбари Нозир Ибрагимов. — Улардан мамлакатимиз тиббиётида кенг фойдаланилмоқда, айни пайтда, ушбу фармацевтика маҳсулотлари дунёнинг 13 давлатида экспорт қилинмоқда. Мамлакатимизда 2020 йилгача бўлган даврда фармацевтика санаятини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Унга мувофиқ янги фармацевтика корхоналарини ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилишга доир умумий қиймати 223,9 миллион долларга тенг 67 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Бу эҳтиёж юқори бўлган, импорт ўрнини босадиган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришни 2,5 баробарга оширади.

Жорий йилда янги корхона ва цехлар барпо этиш ҳамда мавжуд қувватларни модернизациялаш ҳисобидан 160 янги дори-дармонни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мақсад қилинган.

Бундан ташқари, фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини, тиббий препаратлар, тиббиёт буюмлари ва воситаларининг сифатини назорат қилиш устувори йўналиши этиб белгиланган. Бу йўналишда корхоналарда алоҳида бўлим, замонавий синнов ва таҳлил воситалари билан жиҳозланган махсус лабораториялар фаолият юритади. Хозирда 33 корхона ISO-9001 сифат сертификатига ва 11 корхона GMP стандартига мувофиқ тарзда фаолият юрймоқда.

Фармацевтика санаятини янада ривожлантиришда жамиятдаги етакчи ишлаб чиқариш

корхоналари билан ҳамкорликнинг аҳамияти катта. Хозирги кунда бу йўналишда Россия, Украина, Хиндистон, Беларус, Жанубий Корея, Хитой ва бошқа давлатларнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Айни вақтда жигар касаллигини даволашда қўлланиладиган Эссенциале, оғрик қолдирувчи ва даволашда кенг фойдаланиладиган Но-шпа, қанд касаллиги билан оғирганлар учун Инсулин каби шифо воситаларини юртимизда ишлаб чиқариш юзасидан излашлар изчил давом этмоқда.

Хозирда жаҳон тиббиётида доривор гиёҳлар ва улар асосида яратилган табиий шифо воситаларига эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, ҳудудларимизда ўсади-ган ҳар бир табиий гиёҳдан оқилона фойдаланиш мақсадида узлуксиз чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда бу борадаги ишларни янада кенгайтириш мақсадида Сурхондарё вилотининг Бойсун, Шеробод, Узун, Денов, Сариссиё, Қашқадарё вилотининг Шахрисабз, Яккабўғ, Китоб, Сирдарё вилотининг Боёвут, Сирдарё, Гулистон туманларида доривор ўсимликлар етиштириладиган плантациялар барпо этиш бўйича иш олиб борилмоқда. Доривор ўсимликларни қайта ишлаб, табиий шифо воситалари ишлаб чиқарадиган янги қувватларни ишга тушириш ҳам кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, 2020 йилга бориб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган асосий дори воситалари рўйхатининг 70 фоизини мамлакатимизда ишлаб чиқариш режалаштирилган.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ
ёзиб олди.

Жорий йилда янги корхона ва цехлар барпо этиш ҳамда мавжуд қувватларни модернизациялаш ҳисобидан 160 янги дори-дармонни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мақсад қилинган.

«БОЛАЖОНЛАР БЕГУБОР ДЎСТЛАРИМ»

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев мухбиримизга болалар адабиёти, таълим-тарбияси, болалар ўртасида китобхонлик маданиятини шакллантириш хусусида қуйидагиларни гапириб берди



— 1970 йилда Москвада «Сехрли калпоқча» асарим босилиб чиққанди, — дейди ёзувчи. — Орадан бир йил ўтиб, Италиянинг Рим шаҳрида Жанни Родари бошчилигида Бутун дунё болалар ёзувчиларининг форуми ўтказилди. Унда Жанни Родари томонидан юмор ва сарғушаштларга бой бўлган ушбу асарни жаҳон тилларига таржима қилиш тавсия этилган эди. Мана шу воқеаларга ҳам салкам эллик йил бўлибди.

Хар қандай миллатда болалар адабиётини ривожлантириш, адабиёт орқали болажонларни юксак маънавият сари руҳлантириш бош масала ҳисобланади. Лекин болаларбоп асар ёзиш ҳаммаининг ҳам қўлидан келмайдими. Тўғри, баъзи ижодкорларнинг ҳам болаларга, ҳам катталарга ёзган асарлари бирдай севиб ўқилади. Лекин бундай соф ёмбиди адаблар жаҳон адабиётда камдан-кам учрайди. Мана, Ханс Кристиан Андерсенни олайлик. У қоронгу ва ёмғирли тунда извошда кетаётганида, йўловчиларни зериктирмаслик учун уларга ўзи тўқган эртанги айтиб беради. Хикоянинг энг таъсирли жойига келганида, аёллар хўн-хўн йиғлай бошлайди, машхур эртанги ҳам ўзи тўққанларидан таъсирланиб йиғига қўшилиди. Бу даражага етиш учун ижодкор қанчалик бой тасаввурга эга бўлиши, болалардай содда, самимий ва донишманд бўлиши керак.

Менинг дастлабки иходий фаолиятим бугунги «Ўзбекистон овози» газетасида фельетончи сифатида бошланган эди. Шу ёшга кириб, ўн беш йилдан зиёроқ умримни нега фельетончиликка бағишладим, деган саволга энди жавоб топдим. Мен фельетончи бўлиб жиноятчилик, қаллоблик, ёлгончилик, қувлик, шумлик, иккиюзламачиликларнинг турли қўриқчиларига гувоҳ бўлдим. Ҳатто, баъзан томонларнинг бир-бирига зид қўрсатмаларини тинглаб, кимга ишонини билмай, эсанкираб қолган пайтларим ҳам бўлган. Кейин англаб етганим, кимни тингласам, ўшанинг гапларига лаққа ишониб кетаверган, — дейди.

Бирор асарни ёзаётганимда, албатта ўз қаҳрамонларимга боғлиқ қоламан, ўтирсам ҳам, турсам ҳам бу болалар атрофимда гирдиқапарлак бўлиб юришаверади. То асарнинг якунига етмагунимча улар мени холижонимга қўйишмайди. «Жаннат одамлар» романимни ёзаётганимда, кўп вақтимни боғча болалар, мактабдаги биринчи синф ўқувчилари билан ўтказганман.

Бола онги, қалби 5-7 ёш атрофида шаклланади. Ана шу даврда биз катталар оилада, боғчада, мактабда, маҳаллада ўзимиз ўрнатиб, уларни оқ-қорани, яхши билан ёмонни ажратишга ўргатмасак, кейин кеч бўлади.

Бугун интеллектуал баҳслар замони келди, қайси мамлакатда ақлий салоҳиятни ривожлантиришга ҳал қилувчи масала деб қаралса, ўша мамлакат ҳали бундан қаторида бўлади.

Болаларимиз учун мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб хорижий тилларни ўзлаштиришга ҳал қилувчи масала деб қаралса, ўша мамлакат ҳали бундан қаторида бўлади.

Болалар спортини ривожлантириш ва шу аснода умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус касб ҳунар даргоҳларида, маҳаллаларда бу соҳага алоҳида эътибор қаратиш — эртанги соғлом турмуш тарзи кафолатидир.

Тўғриси айтиш керак, баъзи ёш ота-оналар фарзандларини етарли даражада тарбиялаш учун вақтлари етмаслигини баҳона қиладилар. Улар фарзандлари тақдирини бувиеси ёки бобосига, қариндошларига ишониб топшириб қўяди. Ота-она тарбиясида бўлмаган, улар меҳрига тўймаган бола ҳар хил йўللарга кириб кетади, китоб ҳақида-ку, гапирмай қўяломай. Китоб ўқимаган, меҳр кўрмаган болалардан кўрқкиш керак. Китоб ўқиш тўхтаса, демак, фикрлаш тўхтайд.

Мен болалар ёзувчиси сифатида жуда кўп мактабларга бориб, болалар билан, уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашаман. Уларга фарзанд тарбиясига беписандлик, лоқайдлик

қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтираман.

Хозир қаранг, фарзандларимизнинг гавдаси паҳлавонларникидан қолишмайди, қизларимиз гўзалликда тенгсиз. Хўш, энди уларнинг онги, руҳияти, қалби қай аҳволда? Ана шу масала мени кўп ўйлантиради. Айниқса, шаклланиётган ёшларимизнинг сўз бойлиги қанчалик кетяпти. Сабаби, классик адабиётни ўқишмайди, ота-болалар ўртасида деярли мулоқот йўқ. Болаларнинг шу ёшида сўз бойлигини ўзлаштирмаслиги, тафаккур қашшоқлигига олиб келади. Хозир мактабда ўқийдиган ўқувчилардан тортиб ҳаммаининг қўл телефони бор. Шу орқали ёшларнинг кундалик ҳаётига турли хорижий лаҳжалар, жаргонлар, беҳаё сўзлар кириб келди. Жаҳон адабиёти «бренди» остида турли бўлмағур ва кўпинча беҳаёликни тарғиб қиладиган асарлар зўр бериб чоп қилинапти, лекин унда чет эл маданияти уйғониб келяпти. Ўзбек тилига ўғираётган баъзи бир асарларда ҳам ана шунга мойиллик, чет эл маданиятига рағбат бор.

XX аср қонли тўқнашулар, турли инқилоблар, ижтимоий қарама-қаршиликлар, сиёсий ўйинлар, шафқатсиз воқеа ва ҳодисалар оқибатларида XXI аср дарвозасини очиб берди. Ва бу бешафқат асрда дунё болаларининг шодон болалик, меҳрга ташналик, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишига ҳақ-ҳуқуқи ҳар қанондан ҳам долзарбдир. Шунинг учун болалар адабиётида ҳаммаша адолат тантана қилади, ёвузликдан яхшилик ҳалиб келади.

Биз эртақсевар халқимиз, эртақ-афсоналаримиз кўп. Нимага кўп? Чунки барча орзу-умидларимиз, бой ва ўқур тасаввурларимиз ана шу эртақ-афсоналарга жамланган. Энг муҳими, улар яхшилик, мурод-мақсадга етиш билан яхшиланади. Ана шу муҳитда тарбия топган фарзанд, албатта кенг феълли, атрофдагиларга меҳрибон, сермулоҳаза, ҳар қандай вазиятни холис баҳолай оладиган инсон бўлиб вояга етади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Нуруллоҳ ДОСТОН Ёзиб олди.

Халқаро кўргазма

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Чарм, пойабзал, кийим ва аксессуарлар» VI халқаро кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. «Ўзбекчармпопайабзали» уюшмаси томонидан ташкил этилаётган кўргазмада мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 80 дан ортиқ ҳамда хорижий давлатларнинг 20 га яқин корхона ва ташкилотлари 2500 дан ортиқ маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

ОЁҚ КИЙИМ

харид қилишда нималарга эътибор бериш керак?

— «Excel» бренди остида эркалар пойабзали ишлаб чиқарамиз, — дейди «Excellent East» масъулияти чекланган жамияти директори Фазлиддин Мухторхўжаев. — Иш бошлаганимизга 10 йилдан ошди. Бу муддат давомида пойабзал соҳасида етарлича тажриба ортирди ва ҳозиргача ҳам ўрганимиз. Маҳсулот ишлаб чиқаришда биринчи навбатда унинг сифатига эътибор қаратамиз. Қолган нарсалар кейинги ўринда туради. Сифатли оёқ кийим ишлаб чиқариш учун аъло даражадаги хомашё зарур. Дастлаб ишни 3 киши билан бошлаганимиз. Ишимиз юришиб, тажрибамиз ошгандан сўнг биз несимизни кенгайтириш мақсадида кредит олдик, яна қўшимча янги иш ўринлари яратилди. Давлатимиз томонидан чарм пойабзал соҳасини ривожлантириш учун бир қатор имтиёзлар белгиланган. Хусусан, турли хил солиқлардан озод қилинганимиз. Баъзи бир маҳсулотларни кўраман, усти томони сифатли бўлади. Лекин таг қисми аксинча. Аслида биринчи навбатда унинг тагига аҳамият бериш керак. Тананинг оғирлигини кўтаридиган жой бу таг қисми. Бу қисмдаги резина талабга жавоб бериши лозим. Сифатсиз хомашёдан фойдаланиш натижасида пойабзал йдирилиб ҳам, синиб ҳам кетади. Бренди ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Унинг тагида катта меҳнат ётади. Сифатли маҳсулот

ишлаб чиқарсангиз, уни харидор қабул қилади ва у ўз-ўзидан брендга айланади...

— Болаларга мўлжалланган эллик турдан зиёд ортопедик оёқ кийимлар ишлаб чиқарамиз, — дейди «Эркатой болажон» масъулияти чекланган жамияти технологи Мухаббат Норова. — Шифокорлар бола оёгининг яссилигига қараб тавсия беришади. Биз шу асосида ортопедик оёқ кийимлар тайёрлаймиз. Уларнинг нархи ҳам ҳамёнбоп.

Маъмур кўргазмада замонавий дизайн асосида яратилган янги маҳсулотларнинг мода намоишини ўтказиш, чет эллик иштирокчиларни республикамизда ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан таништириш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кўргазма доирасида Россия Федерациясининг Чарм ва пойабзал ишлаб чиқариш уюшмаси билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича халқаро форум ўтказилади.

Кўргазма якунида бир қатор номинациялари бўйича ғолиблар аниқланади.

«Чарм, пойабзал, кийим ва аксессуарлар» VI халқаро кўргазмаси бугун якунига етади.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Пайшанба — профилактика куни

ОСОЙИШТАЛИК ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ

бунинг учун ҳаммадан огоҳлик талаб этилади

Жиззах вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарлари ҳудудларга бориб, ҳафта давомида амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликларни танқидий таҳлил қилиб, ҳар бир ходимга аниқ топширик бермоқда. Ўрганилиши лозим бўлган ҳудуд ҳақида жамланган маълумот ва хабарлар асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда кенг қамровли чоралар белги-ланяпти.

Хусусан, умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг дарс машғулотларига қатнашиши текширилди. Дарсга сабабсиз катнашмаётган 374 нафар ўқувчининг ота-онасига нисбатан фарзандининг таълим-тарбияси билан шуғулланмаётганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси талаблари асосида ҳужжатлар расмийлаштирилди. Ушбу шахсларнинг ҳаракатлари Жиззах шаҳар, Бахмал, Ш.Рашидов, Зарбдор, Зоминов ва Фалларол туманларида жойлашган коллежларнинг ўзида кенг жамоатчилик иштирокида «сайёр суд» орқали муҳокама этилиб, чора қўрилди.

Айни пайтда 35014 хонадон ўрганиб чиқилди. Ўрганишлар давомида биринчи мартабта Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспортларини ўз вақтида олиш, амал қилиш муддатини ўтказиб юбормасдан янги фуқаролик паспортларига алмаштириш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди. 420 нафар фуқаро паспорт-виза тартиб-қоидаларига, 130 нафар фуқаро эса доимий ва вақтинчалик яшаш тартибига риоя қилмаганлиги аниқланиб, тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Шубҳа уйғотган шахслар жойлардаги таянч пунктларида олиб келиниб, тегишли профилактик суҳбатлар ўтказилди. Уларнинг баъзиларига

нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди.

Шунингдек, чет элга узок муддатга чиқиш кетган, чет элдан қайтиб келган фуқаролар аниқланди. Улар билан профилактик тушунтириш ишлари олиб борилди.

Фуқаролар гавжум жойларда 786 патруль йўналишлари ташкил қилиниб, 27 объект қўриқлаш пултига уланди. 49 объектка видеокузатув мосламалари ўрнатилди.

Мулкий турдаги жиноятларнинг олдини олиш мақсадида қўриқлаш хизмати томонидан маҳалла раислари ва профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда кўп қаватли, савдо уйлари ва тўйхоналарнинг кириш йўлига юқори сифатли тасвирга тушурувчи кузатув камералари ва кодли қулфлар ўрнатиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан газ идоралари, электр тармоқлари корхонаси ва бошқа идора ходимлари билан 723 объект-ёнғин содир бўлиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида профилактик тадбирлар олиб борилди. Уларга тақлиф ва тавсиялар бериш орқали амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, вазият барқарорлигини таъминлаш, таълим муассасаларида ўқувчилар даволатини яхшилаш, фуқаролар, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида маҳалла, таълим муассасалари ва корхона-ташкilotларда 3520 мартаба тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди.

Ўтказилаётган тадбирларнинг сифат ва самарадорлигини ошириш мақсадида барча тоифадаги раҳбарлар ва терговчилар жалб этилди. Ҳафта давомида содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари муҳокама қилинган ҳолда, аҳоли билан учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди.

Маҳаллаларда, таълим муассасаларида, корхона ва ташкilotларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда «Огоҳлик — давр талаби», «Ўз уйингни ўзинг асра» каби мавзуларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Қўрилаётган барча чоралар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Фаррух ЮНУСОВ,
Жиззах вилояти ИИБ
ХООБ катта инспектори,
капитан.

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвалный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslilhiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 438

14775

nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 02:25

Topshirilgan vaqti — 03:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 5 6



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI